

БОШ САЛАТНИ ЭРТАГИ МАВСУМДА ЭКИШ МУДДАЛАРИДА КАРАМ БОШ ВАЗНИ ВА ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Шералиев Жамшид Шухрат ўғли

қ.х.ф.ф.д.,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик

илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Ушбу мақолада бош салат ўсимлигининг ертаги баҳорги мавсумда экиш муддатларини 2020–2022 йилларда олиб борилган тадқиқот, карам бош базни ва ҳосилдорликни бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: бош салат, айсберг, нав, экиш муддатлари, карамбош вазни, ҳосилдорлик.

Кириш. Салатнинг (*Lactuca sativa* L.) ботаник тури Астрошошлар (*Asteraceae*) (Мураккабгулдошлар) оиласига мансубдир. Унинг *Lactuca sativa* L. тури қуйидаги тур ичидиги турларга бўлинади: *Lactuca sativa* var. *acerphala* — яхлит барги навлар; *Lactuca sativa* var. *Capitata*— турли кўринишдаги (барглари ёғли қатламга эга) бош салат навлар, *Lactuca sativa* var. *capitata*— қарсилдоқ барги, турли кўринишдаги бош салат навлари (айс-салат); *Lactuca sativa* var. *romana* (Ромэн салати – рим салати) — бош салат, чўзинчоқ-юмалоқ баргли бош салат, яримбошли шакллари ҳам учрайди; *Lactuca sativa* var. *Angustana* (спаржа салати - уйсун) [1, 2, 3].

Сабзавот ўсимликларига яшил екинлар гуруҳи, хусусан, етиштириладиган салат ўсимлиги киради. Яшил сабзавотлар асосан янги ҳолича истимол қилинадиган екинлардир. Ушбу салатлари ичида бош салат - *Lactuca sativa* var. *capitata* инсон саломатлигида ва қишлоқ хўжалиги соҳасида катта аҳамиятга эга экин ҳисобланади. [5, 6, 7, 8].

Ўзбекистон Республикаси шароитида бош салат етиштириш ишлари бошланганига кўп бўлгани йўқ. Бугунги кунда республикада бош салат етиштирилаётган қўлланилаётган агротехнологиялар тўлиқ илмий асосланманган бўлиб, бу борада тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади ва тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Жахонда сўнгги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ва ташкил ишлар амага оширилмоқди. Бунинг натижасида сўнгги йилларда ноанъанавий янги сабзавот экинлари интродукция қилишга эришилди ҳамда уларни етиштириш агротехнологиялари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Биз томонимиздан Ўзбекистон Республикаси шароитида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент тажриба участкаси 2020

йилдан бошлаб бош салатнинг (*Lactuca sativa* var. *capitata* L.) нав ва F₁ дурагайларини танлаш ҳамда етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларини олиб борилмоқда.

Тажрибаларда бош салат нав Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга рухсат этилган кишлок хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган Крупнокочанный ва Россия давлатидан келтирилган Русский размер, нави эртаги экиш муддатларида хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили ва дастлабки натижалар аниқлаш бўйича бош салатнинг экиш муддатларида нав намуналарининг ўрганиш жараёнида уларнинг энг муҳим морфобиологик белгилари баҳоланди ва гуруҳларга ажратилди.

Ўсимликнинг баландлиги, барг узунлиги барг эни, барглар сони, бош карам вазнини аниқлаш бўйича ўлчаш ишлар амалга оширилди.

2020-2022 йиллар давомида бош салатнинг баҳор муддатдаги кузатувлар натижасида карам бош вазни ва ўртача 3 йиллик ҳосилдорлиги бўйича қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди.

Бош салат ўсимлигининг маҳсулдорлигига экиш муддатлари ўз таъсирини кўрсатди. Бош салатнинг “Крупнокочанный” навини экиш муддатларида (10,03); (20,03); экиш муддатида карамбош вазни (586,5–581,7 г) назоратга нисбатан 19,9-18,9 фоизга, юқори бўлди. Назорат вариантыда карамбош вазни 489,3 г, унга нисбатан 1–5–6–7–8 муддатларида экилган вариантларда вазни 45,5–24,3–8,5 фоизгача камайган.

“Русский размер” нави назорат вариантыда карамбош вазни 589,3 г. га тенг бўлди. Назорат варинатга нисбатан фақат (10,03); (20,03); экиш муддатида 17,0–16,2 фоизга юқори бўлган. Назоратга нисбатан 30 кун кеч экилган (01.04); вариантда вазни 7,4 фоизга, 40 кун (10.04); экилганда –7,1 ва 50 кун кеч (20.04); экилганда –29,6 60 кун кеч (01.05); экилган 34,8 фоизга кам бўлган.

2020 йилда “Крупнокочанный” навида назорат вариантыда ҳосилдорлик гектарига 21,5 т бўлди. Назоратга нисбатан (10.03); (20.03); экиш муддатларида 19,5–19,0 фоизга юқори бўлган. Экиш муддатлари кечиккан сари ҳосилдорлик пасайиб борди. Назорат вариантыга нисбатан кейинги вариантларда ҳосилдорлик 48,9–9,4 фоизгача кам бўлди. Барча вариантларнинг ўртача кўрсаткичи 18,2 т/га ёки назоратга нисбатан 84,6 фоизни ташкил қилди. Энг кеч (20.04); (01.05); экилган вариантлар ҳосилдорлиги ўртача кўрсаткичга нисбатан 41–48,9% кам бўлган.

Экиш муддатлари бўйича 2020 йил ҳосилдорлигида “Русский размер” навида ҳам “Крупнокочанный” навидаги каби, қонуният сақланиб қолди.

1-жадвал

Бош салатни эртаги экиш муддатларида карам бош вазни ва ҳосилдорлиги

Экиш муддатлари	Карамбош вазни		Йиллар т/га			х	Назоратга нисбатан, %
	г	ст га нисбатан	2020	2021	2022		

		%					
Крупнокочанный – st							
20.02	447,6	91,5	19,5	18,6	19,5	19,6	92,0
01.03 назорат	489,3	100,0	21,5	20,8	21,7	21,3	100,0
10.03	586,5	119,9	25,7	25,5	25,7	25,6	120,2
20.03	581,7	118,9	25,6	24,8	25,5	25,3	118,8
01.04	438,5	89,6	19,0	18,3	19,1	16,5	77,5
10.04	370,6	75,7	14,4	16,3	16,4	15,4	72,3
20.04	298,3	61,0	12,7	12,5	12,2	12,4	58,2
01.05	266,6	54,5	11,0	10,6	11,0	11,5	49,3
Русский размер							
20.02	563,0	95,5	24,4	23,7	24,4	24,1	94,1
01.03 назорат	589,3	100,0	26,0	25,2	25,8	25,6	100,0
10.03	689,6	117,0	30,4	29,2	30,3	29,9	116,8
20.03	684,6	116,2	29,9	29,1	30,1	29,7	116,0
01.04	626,0	106,2	27,2	26,3	27,1	26,8	104,7
10.04	547,3	92,9	23,2	23,3	23,2	23,2	90,6
20.04	414,6	70,4	17,5	17,1	17,3	17,3	67,6
01.05	384,0	65,2	15,9	15,4	15,5	16,3	60,9

Барча вариантларда ҳосилдорлик қуйидагича бўлган: экиш муддати 30 кунга кеч бўлганда ҳосилдорлик (01.03 назорат) 6,0 фоизга, 40 кун кечикканда 10,8 фоизга, 50 кун кечикканда 32,7 фоизга ва 60 кунга кечикканда 38,9 фоизга кам бўлган. Бунинг асосий сабаби, ўсиб-ривожланиш даврининг қисқариши ҳисобига карамбошлари етилмай қолганлигидир ва сифат, гуллаш фазасига кириб кетишидир.

2021 йилда “Крупнокочанный” нави назорат вариантыда ҳосилдорлик гектаридан 20,8 т бўлган ва унга нисбатан кейинги экиш муддатларидан (10.03); (20.03); ҳосилдорлик 122,5–119,2 фоизгача юқори бўлди ва қолган экиш муддатларида ҳосилдорлик назоратга нисбатан паст курсаткичга ега бўлди.

Бош салатнинг “Русский размер” навида биринчи экиш муддатида ҳосилдорлик 2021 йил 25,2 т/га бўлган ва қолган экиш муддатлари кўрсаткичлари қуйидагича кам бўлган, (20.02); вариантники 6,0 фоизга, 5–6–7–8 вариантларники 9,6–7,6–32,2–38,9 фоизга ва (10.03); (20.03); вариантники 15,8–15,4 фоизга назоратга нисбатан юқори бўлди.

2022 йилда “Крупнокочанный” навида назорат варианты ҳосилдорлиги гектаридан 21,7 т бўлган ва унга нисбатан (10.03); (20.03); экиш муддатлари кўрсаткичи 18,4–17,5 фоизга кўп бўлган, экиш муддати кечиккани сари ҳосилдорлик 12,0–24,5–43,8–49,3 фоизга камайиб борган.

3 йиллик ўртача ҳосилдорлик “Крупнокочанный” нави назорат вариантыда 21,3 т/га бўлган. (10,03); (20,03); мартда экилган вариантларда назоратга нисбатан 20,2–18,7 фоизга юқори; қолган экиш муддатларида эса ҳосилдорлик 92,0–49,3 фоизгача камайган. 3. йиллик ўртача ҳосилдорлик “Русский размер” навида (10,03); (20,03); экиш муддатларида гектардан 29,9–29,7 т. ни ташкил қилиб, назорат вариантдан 16,8–16,0% юқори бўлган. Назорат вариантнига нисбатан 1–5–6–7–8-вариантлар маълумотлари 94,1–104,7–90,6–67,6–60,9 фоиз эга бўлди.

Хулоса, 2020-2022 йилларда олиб борилган тадиқотлар таҳлили ва натижалар кўра бўйича бош салатнинг эртаги экиш муддатларида бош карам вазнини ва ҳосилдорлик кўрстичи бўйича энги юқори натижа “Русский размер” навида 10 март, (689,6 г), 20 март (684,6 г), грам вазн, ҳосилдорлик (29,9-29,7 тоннага), ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Антипова О.В. Немного о культуре салата [Электронный ресурс]. URL: <http://rusteplica.ru/публикации/Салатный-клуб/салатный-клуб.html>. Дата обращения: 25.04.2017.
2. Культурная флора СССР. М.– Л. 1988. Т. 12. С. 244–295.
3. Пантиелев Я.Х. Кочанный салат. М.: Агропроиздат, 1991. С. 95.
4. Иванова, М.И. Салатные культуры в России [Текст] / М.И. Иванова // Сборник научных трудов по овощеводству и бахчеводству. – Т.1. Селекция и семеноводство. – М., 2006. – С.171-173.
5. Бунин, М.С. Новые овощные культуры России [Текст] / М.С. Бунин. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2002. – С. 21-48.
6. Гиренко, М.М. Культурная флора СССР [Текст] / М.М. Гиренко, К.В. Иванова и др. – Т.ХII. Листовые овощные растения. – Л., 1988. – С. 247-291.
7. Зеленные овощные культуры [Текст] / ред. Д.Д. Брежнев. – Л. : Лениздат, 1967. – 113 с.
8. Муханова, Ю.И. Зеленные овощи [Текст] / Ю.И. Муханова. – М. : Московский рабочий, 1975. – 112 с.